

ТИЛ ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ДИДАКТИК МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



Ваҳобжон Шамшидинович НАЗАРОВ

*Чет тилларни ўқитишнинг инновациавий
методикаларини ривожлантириши
Республика илмий-амалий маркази илмий ходими*
nvsh-187@mail.ru

Аннотация

Мақолада мультимедиа таълим воситаларининг эволюцияси, дидактик мулоқотни ривожлантиришда мультимедиа воситаларининг ўрни ва аҳамияти, аутентик видео-аудио материалларни дидактиклаштиришнинг зарурияти, аутентик ва дидактик мулоқотларнинг фарқланиши хусусида фикр юритилади. Шунингдек, “мультимедиа” ва “мулоқот” тушунчалари олимларнинг фикрларидан мисоллар келтирилган ҳолда ёритиб берилган. Тадқиқотнинг мақсади – мультимедиа воситаларининг таълим жараёнига ижобий таъсир этишини кўрсатиб бериш ҳамда улар асосида дидактик мулоқот майдонини яратиш ва бу орқали нутқий мулоқотни ўстириш имониятларини таҳлил қилишдир.

Калит сўзлар: мультимедиа; аудиовизуал воситалар; дидактик ва аутентик мулоқот; аутентик материал; дидактик мақсад; замонавий техник воситалар.

ОСОБЕННОСТИ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ В РАЗВИТИИ ДИДАКТИЧЕСКОЙ КОММУНИКАЦИИ

Ваҳобжон Шамшидинович НАЗАРОВ

*научный сотрудник
Республиканский научно-практический центр развития
инновационных методов обучения иностранным языкам*
nvsh-187@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается эволюция мультимедийных средств обучения, роль и важность мультимедийных инструментов в развитии дидактической коммуникации, необходимость дидактизации аутентичных видео- аудио материалов, а также различие между аутентичной и дидактической коммуникациями. Кроме того, понятия «мультимедиа» и «коммуникации» иллюстрируются примерами, взятыми из высказываний ряда ученых. Целью исследования является демонстрация положительного влияния мультимедийных средств на процесс обучения; а также использование мультимедийных средств для создания площадки дидактической коммуникации как основы для развития речевой коммуникации.

Ключевые слова: мультимедиа; аудиовизуальные инструменты; дидактическое и аутентичное общение; аутентичный материал; дидактическое назначение; современные технические средства.

PECULIARITIES OF MULTIMEDIA EDUCATION RESOURCES IN THE DIDACTIC COMMUNICATION DEVELOPMENT

Vakhobzhon Shamshidinovich NAZAROV

Researcher

National Research Centre for Development

of Innovative Methods in Teaching Foreign Languages

nvsh-187@mail.ru

Abstract

The article examines the evolution of multimedia educational tools, the role and significance of multimedia tools in the development of didactic communication, the need for authentic video and audio material didacticization, and the difference between authentic and didactic communications. In addition, the concepts of "multimedia" and "communication" are illustrated with the samples taken from the statements of a number of scientists. The purpose of the research is to demonstrate the positive impact of multimedia on the learning process; as well as the use of multimedia tools to create environment for didactic communication as a basis for the development of verbal communication.

Keywords: multimedia; audio-visual tools; didactic and authentic communication; authentic material; didactic task; modern technical tools.

Кириш

Тилларни ўқитишда мультимедиа воситаларидан узоқ вақт мобайнида фойдаланилиб келинган. Мисол учун, магнетофон, лингофон воситалари, радио, телевизор ва ҳ.к. Кейинчалик компьютёрнинг ривожланиши натижасида рақамлаштирилган, дастурлаштирилган мультимедиа материаллар пайдо бўла бошланди ва ўз навбатида таълим жараёнида ҳам кенг миқёсда татбиқ этила бошланди. Бу жараён замонавий техник воситалар (компьютёрнинг охири авлодлари, ноутбук, нетбук, планшетлар, интерактив смарт доскалар, смарт телевизорлар ва албатта, сенцерли, смарт мобил телефонлар) ёрдамида таълимда янада ўз самарасини бера бошлади.

Туркиянинг Ижтимоий фанлар институти профессори Э. Картал ўзининг докторлик диссертациясида мультимедиа воситаларининг эволюциясини кўрсатиб ўтган (1, 62). Ушбу мультимедиа воситалари эволюциясини таҳлилий ўрганиб, фақатгина чет тилларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган мультимедиа воситаларини аниқлаб олиб ва кўшимча қилган ҳолда қўйидагича изоҳлашимиз мумкин:



Ушбу мультимедиа воситаларидан таълим жараёнида муълум бир мақсадларда фойдаланилган. 1990 йилларгача аксарият ҳолларда чет тил ўрганувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш (таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу жараён ХХІ асрга нисбатан соддароқ шаклда олиб борилган) ва тўғри талаффуз қила олиш кўникмаларини ўстиришда фойдаланилган. Замонавий мультимедиа воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши билан улардан турли хил мақсадларда фойдаланишга эътибор қаратила бошланган. Нафақат фонетик билимларни, балки лексик, грамматик билимларни ҳам мультимедиа воситалари ёрдамида эгаллаш имкониятлари пайдо бўла бошланди. Ушбу мультимедиа воситаларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш хорижий тиллардаги аудио-визуал материалларнинг, дастурлаштирилган ресурсларнинг сифатли ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлмоқда.

Мультимедиа тушунчаси хусусида сўз юритадиган бўлсак, бугунги кунгача тиллар ўқитиш методикаси бўйича кўплаб олимлар, мутахассислар таълимдаги мультимедиа тушунчасини ўз нуқтаи назари билан таърифлаб беришган. Масалан, Э.Г. Азимов, А.Н. Щукинларнинг «Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам)»

луғатида мультимедиа тушунчаси ахборотни турли хил кўринишда (матн, аудио, видео ва анимацион кўринишда) ифодаловчи таълим воситаси сифатида берилган (2, 149). Шунингдек, мультимедианинг учта тури кўрсатиб ўтилган, яъни махсус компютерлаштирилган ўқув курслари, маданият, тарих, санъат бўйича дастурлаштирилган муълумотларни акс эттирувчи компакт-диск, мультимедиали тақдимотлар кўринишдаги материаллар сифатида берилган. Бизнингча мультимедиа тушунчаси икки маънода қўлланилади, яъни техник воситаларга (диск, аппарат ва ҳ.к.) ва таълим воситаларига (аудио-видео материаллар, дастурлаштирилган ресурс, луғатлар ва ҳ.к.) нисбатан ишлатилади.

Асосий қисм

Хорижий тилларни ўқитишда тил ўрганувчида нутқий мулоқотни шакллантириш энг асосий мақсад қилиб белгиланган. Нутқий мулоқотни шакллантиришда мультимедиа таълим воситаларидан инновацион тарзда фойдаланиш замонавий методиканинг асосий талабларидан биридир. Чет тил ўрганувчида нутқий мулоқотни ўстириш учун эса дидактик мулоқотни амалга ошириш талаб этилади. Демак, дарс жараёнида аутентик ва дидактик мулоқотни амалга оширишда алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шунингдек, Т. Штыкованинг мақолаларидан бирида чет тилини ўргатувчи ўқитувчи фаолияти давомида нутқий мулоқот жараёни сифатида касбий мулоқотни ёки дидактик мулоқотни амалга оширади деб таъкидлаб ўтган (3, 95). Муаллифнинг фикрига кўшилган ва кўшимча қилган ҳолда дарс давомида касбий, аутентик ва дидактик мулоқот жараёнлари амалга оширилади. Касбий мулоқот ўқитувчининг дидактик-педагогик фаолияти билан боғлиқдир. Аутентик мулоқот тил кўникмаларини риқожлантириш мақсадида фойдаланиладиган хорижий тилдаги манбалар, яъни газета-журналлардаги материаллар, эълон ва афишалар, кўшиқлар, телерадио каналлари кўрсатувлари, Интернетдаги материаллар ва ҳ.к. кабиларда акс этади. Дидактик мулоқот эса ўрганувчиларнинг аутентик материалларни ўрганиш жараёнида шаклланган ва тил кўникмасини мустахкамлашга қаратилган мулоқотида акс этади.

Шунингдек, француз олими F. Weiss дидактик мулоқотни аутентик мулоқотдан фарқланишини таъкидлаган, яъни аутентик мулоқотда маълумот олиш ва қарор қабул қилиш учун гапирилади ҳамда дидактик мулоқотда эса баҳолаш ва баҳоланиш учун гапирилади (4, 48). Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, она тили эгалланган тил, яъни болалиқдан табиий равишда эгалланган нутқ (бирламчи нутқ она тилида шаклланади) сифатида қаралса, ўрганилаётган хорижий тил, яъни маълум мақсадда, маълум шароитда ундан

фойдаланиладиган нутқ (бирламчи сифатида она тилида шаклланган нутқ чет тилида мулоқот кўринишда акс этади) ҳисобланади. Шундай экан, аутентик мулоқот она тилида акс этган оғзаки ва ёзма нутқ кўринишида бўлса, дидактик мулоқот фақатгина чет тилини ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Аммо ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот таълимдан ташқари мавзуда, ўқувчини мақташ ёки унга эътироз билдириш кабиларни англатса, аутентик мулоқот ҳисобланади.

Аутентик мулоқотни акс эттирувчи материаллар сифатида мультимедиа таълим воситалари тил ўрганувчиларга аутентик мулоқотни татбиқ этиш орқали дидактик мулоқот майдонини яратади. Ўқувчилар ўзида дидактик мулоқот натижасида мулоқот кўникмаларини шакллантиради ва кундалик ҳаётда хорижий тилдаги оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнларига тезда мослашиб кетади. Демак, ўқитувчи ўқувчиларга дидактик мулоқотни ташкиллаштириши керак бўлади. Бунинг учун аутентик мулоқотни акс эттирувчи мультимедиа таълим воситаларидан бири бўлган аудиовизуал материалларни ўқувчиларга кўрсатиб, ўқитувчи олдиндан тайёрлаган топшириқ ва машқларни бериш орқали ўқувчиларда дидактик мулоқотни шакллантиради.

Аудиовизуал материал, хусусан, видео материал ўқувчини тил муҳитига, жонли мулоқотга олиб киради. Бу жараён ўқувчида мулоқот кўникмаларини, лингвистик ва маданиятлараро билим ва кўникмаларни шакллантирибгина қолмасдан, тилни ўрганишга бўлган мотивациясини ривожлантиради.

Видеоматериал ўқувчиларга вербал ва новербал жараённи кузатиш, мулоқот орқали ўрганишга имкон яратади. Видео материалдан фойдаланишда ўқитувчи дидактик мақсадни инобатга олган ҳолда турли хил услубларни қўллаши мумкин. Бунда видео материал орқали қайси кўникмани ривожлантиришга эътибор қаратган ҳолда аутентик видео материални дидактик ва техник жиҳатдан монтаж қилади. Монтаж жараёнида видео материалдаги шовқинларни сақлаб қолиши ёки йўқ, субтитрларни киритиши, вақтини ўзгартириши ва албатта, видео материалга битта ёки бир нечта топшириқларни бериши мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг синфда ишлашга ёки мустақил ишлашга юналтирилганини ҳам инобатга олиш керак. Бу жараённи эса аутентик видео материални дидактиклаштириш жараёни дейиш мумкин. Албатта, аутентик видео материални танлаш ва уни дидактиклаштиришда ўқувчининг ёши (курсига), тил билиш даражасига ҳамда мавзуга эътибор қаратилади.

Демак, видео материални ҳеч қандай дидактиклаштиришсиз бериш мумкин, қисман дидактиклаштириб ва тўлиқ дидактиклаштириб бериш мумкин.

Масалан, француз ОАВдан олинган видео янгиликни Умумевропа стандартлари (CEFR) даражалари (A2, B1 ва B2)га мослаб дидактиклаштирамиз.

[Илова 1: “AUF bourses changent la vie” номли видеоресурс //<http://www.>
]

Мақсадлар : коммуникатив, лингвистик, маданиятлараро.

Видео материални кўрсатишингиздан олдин мавзуга доир саволлар билан ўқувчиларнинг фикрини жалб қилиш мумкин.

[Илова 2: A2 даража учун “AUF bourses changent la vie” номли pdf файл //<http://www.>]

Топшириқлар (A2 учун):

1. Видео материални тингланг ва тўғри жавобларни белгиланг.
2. Тингланг ва қўйидаги саволларга жавоб беринг.
3. Тингланг ва берилган гапларни видео материалга мос ёки мос эмаслигини белгиланг, бунда тўғри ёки нотўғри сўзлари билан белгилайсиз.
4. Репортажни тингланг ва тушириб қолдирилган сўз ва иборалар билан гап ёки матнни тўлдиринг.
5. Кичик гуруҳларда ишланг. Видеоматериалнинг мавзусидан келиб чиқиб, ўзингизнинг фикрларингизни билдиринг. Нутқингизда олдинги машқларда ишлатган грамматик бирликлардан фойдаланинг.

[Илова 3: B1 даража учун “AUF bourses changent la vie” номли pdf файл //

http://www.tv5monde.com/TV5Site/upload_image/7jslp/370/pdf_n2_eleve_856_273PortraitB1App.pdf]

Топшириқлар (B1 учун):

1. Репортажни тингланг. Ким? Нимани? Қачон? Қайерда? Сўроқларига жавоб қидиринг ва уларни мантиқий боғлашга ҳаракат қилинг.
2. Тингланг ва саволларга жавоб беринг.
3. Тингланг ва берилган гаплар видео материалдаги кимлар томонидан билдирилган фикрлар эканлигини кўрсатинг.
4. Тингланг ва матнни тўлдиринг.
5. Ўйин. Сиз мисол учун степендия ютиб олдингиз. Энди ўзингиз қизиққан университетга хужжат топширмоқчисиз. Ўзингиз ҳақингизда, қобилиятларингиз, қизиқишларингиз, характерингиз ва мотивацияннгиз ҳақида ёзинг.

[Илова 4: В2 даража учун “AUF bourses changent la vie” номли pdf файл //

<http://www.>]

Топшириқлар (В2 учун):

1. Репортажни тингланг ва нима ҳақида гап кетаётганини ёзинг. Фикрингизни аниқ ва қисқа беринг.
2. Тингланг ва жадвални тўлдиринг.
3. Тингланг ва саволларга жавоб беринг, фикрингизни асосланг.
4. Тингланг ва берилган ибораларга изоҳларингизни ёзинг.
5. Кичик гуруҳда ишланг. Агар сиз степендияга эга бўлганингизда нима қилган бўлардингиз? Агар аксинча эга бўлмаганингиздачи, нима қилган бўлардингиз? Фикрингизни ўртоқларингиз билан бўлишинг.

Хулоса

Демак, аутентик мулоқотни акс эттирувчи материаллар сифатида мультимедиа таълим воситаларидан дидактик мулоқотни шакллантиришда унумли фойдаланиш мумкин. Тил ўрганувчи ўзида дидактик мулоқотни ривожлантириши натижасида аутентик материаллардан мустақил фойдалана олади ва нутқий мулоқот, диалог жараёнларида эркин мослаша олади.

Замонавий техник воситаларнинг ривожланиши дарс жараёнида ўқитувчига аутентик материаллар, ресурслардан тўлақонли фойдаланиш имконини берапти. Ўқувчилар аудио-визуал ресурслар орқали аутентик муҳитга мослаша олади. Натижада ҳар бир ўқувчи мустақил равишда замонавий техник воситалардан фойдаланиб, нутқий мулоқотларини ўстириши, Интернет манбалари орқали хорижий тиллардаги маълумот ва янгиликларни билиб олиши мумкин. Бу эса чет тили ўқитишнинг асосий мақсадидир.

Ҳар қандай аутентик аудио-визуал материални дарс жараёнига татбиқ этиш учун мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш, машқ ва топшириқларни тайёрлаш керак. Бу жараён дидактик мулоқотни яратиш орқали нутқий мулоқотни ўстиришга хизмат қилади. Натижада аутентик материалдан самарали фойдаланиб, дидактик мақсадга эришган бўламиз.

Ушбу жараёнларни самарали амалга оширишда барча ўқитувчиларнинг юқорида қайд этиб ўтилган фикрларга касбий ёндошиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Kartal Erdogan. La place et les fonctions des produits multimédias dans la didactique du Français Langue étrangère. Université de Hacettepe Institut des Sciences Sociales, 2004. – 300 p.

2. Азимов Э.Г., Шукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий(теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с.
3. Штыкова Т. Дидактическая коммуникация в структуре профессиональной деятельности учителя иностранного языка // URL: General and Professional Education. 1/2010. С. 94–99.
4. Weiss F. (1984) Types de communication et activités communicatives en classe, *Le Français dans le monde*, n° 183, pp. 47-51. // URL: <http://www.fle-philippemijon.com/pratique-de-classe/communications-authentique-et-didactique-en-classe-de-fle/>